



## CITES Бош Котиби COP-20 олдидан Самарқандга ташриф буюрди



Йўқолиб кетиш хавфи остида турган ёввойи ҳайвонлар ва ўсимликлар турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги Конвенция (CITES) Бош котиби Ивонн Игеро Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф доирасида у 2025-йил 24-ноябрдан 5-декабргача бўлиб ўтадиган CITES COP-20 конференциясига мезбонлик қиладиган тарихий Самарқанд шаҳрини ҳам зиёрат қилди.

Игеро хоним конференциянинг асосий тадбирлари ўтказилиши режалаштирилган замонавий «Silk Road Samarkand» мажмуасидаги тайёргарлик ишларини кўздан кечирди. У қуйидаги йўналишлардаги тайёргарлик ҳолатига алоҳида эътибор қаратди:

- логистика ва делегатлар учун хизматлар;
  - пленар сессиялар ва қўшимча тадбирлар учун ҳудудларга ажратиш;
  - техник инфратузилма;
  - хавфсизлик, визавий тартиблар ва меҳмонхона билан таъминлаш.
- Ташриф давомида Ички ишлар

вазирлиги, Божхона қўмитаси, Туризм қўмитаси, Миллий гвардия ва конференция ташкилотчилари билан самарали учрашувлар ўтказилди. Мазкур мулоқотлар конференция иштирокчилари учун юқори даражада шароит яратиш ва халқаро даражадаги тадбирни муваффақиятли ўтқа-

зиш учун муҳим аҳамият касб этди.

CITES конференцияси тарихда илк бор Марказий Осиёда ўтказилади. Бу нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақа учун глобал ёввойи ҳаёт ва биохилма-хилликни муҳофаза қилиш сиёсатини шакллантириш йўлидаги муҳим воқеадир.

Самарқанд тарих яратишга ва бутун дунёдаги нуфузли меҳмонларни кутиб олишга тайёр.

**ECO EXPO**  
CENTRAL ASIA

Green Startups Showcase & Pitch



### «Eco Expo Central Asia» – 2025»

## 120 ДАН ОРТИҚ КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

2025-йил 19–21-июн кунлари Тошкент шаҳрида муваффақиятли тарзда ўтказилган «Eco Expo Central Asia 2025» халқаро экологик технологиялар кўргазмаси экология ва барқарор ривожланиш йўналишида мулоқот, тажриба алмашинуви ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича энг йирик майдонга айланди.

Тадбир кенг кўламда ташкил этилиб, унда экологик ташкилотлар раҳбарлари, 30 дан ортиқ халқаро ташкилот вакиллари, қарийб 300 нафар хорижий эксперт, 30 та элчихона ва консуллик ваколатхоналари, 400 дан ортиқ хусусий сектор, стартап ва илмий доиралар

вакиллари иштирок этди. Умуман олганда, кўргазмага 5 000 дан ортиқ киши ташриф буюрди, бу эса экологик масалаларга қизиқиш юқори эканлигини ва тадбирнинг минтақа учун муҳимлигини кўрсатади.

(Давоми 2-саҳифада)

«Eco Expo Central Asia» – 2025»

# 120 ДАН ОРТИҚ КЕЛИШУВ ИМЗОЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)

Кўргазма доирасида миллий ва халқаро ташкилотлар, ҳудудлар ҳамда стартапларга тегишли 101 та стенд намойиш этилди. Энг яхши экспозициялар тақдирланди. Экология вазирлигининг тизим ташкилотларидан: Экологик экспертиза маркази, Чикиндиларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиёт агентлиги, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кенгайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги ҳамда “Яшил лойиҳа” лойиҳа институти алоҳида эътироф этилди. Халқаро иштирокчилар орасида эса Қозоғистон Экология ва табиий ресурслар вазирлиги, Бирлашган Араб Амирликларидаги Халқаро биошўр қишлоқ хўжалиги маркази (ICBA), Хитой Фанлар академиясининг Шинжон экология ва география институти, шунингдек, Ўзбекистоннинг Самарқанд, Навоий вилоятлари ва Қо-

рақалпоғистон Республикаси стендлари муносиб баҳоланди.

Кўргазманинг энг муҳим натижаси — 126 та битим ва англашув меморандуми имзоланиши бўлди. Ушбу ҳужжатлар яшил дизайн, чиқиндиларни қайта ишлаш ва биохилма-хилликни муҳофаза қилишдан тортиб ўрмонларни қайта тиклаш, сувни муҳофаза қилиш, ҳаво сифати мониторинги ва экотуризм соҳаларида инновацион технологияларни жорий этишгача бўлган кенг кўламли соҳаларни қамраб олади.

Асосий шартномалар орасида қуйидагиларни алоҳида эътироф этиш мумкин:

- GIZ (Германия) билан барқарор шаҳар ривожланиши йўналишида янги лойиҳаларни бошлаш;
- Хитой, Болгария ва Латвия компаниялари билан ўрмон хўжалиги соҳасида ҳамкорлик;
- Қозоғистон, Корея, Хитой ва



Европа давлатлари билан чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича инновацион ечимларни жорий этиш;

– Ўзбекистоннинг гидрометеорологик тармоғини модернизация қилиш;

– UNDP, Jahon banki va JICA билан экотуризм ва маданий меросни асраш лойиҳалари;

– “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасини қўллаб-қувватлаш;

– Биотехнологиялар, ҳаво филтрлаш, барқарор сув таъминоти ва энергия тежовчи лойиҳаларни ҳудудларда амалга ошириш.

Битимлар миллий даражада ҳам, минтақавий даражада ҳам имзоланган бўлиб, бу Ўзбекистонда олиб

борилаётган экологик сиёсатнинг комплекс ва изчил характерини, шунингдек, ҳудудларнинг “яшил иқтисодиёт”ни илгари суришдаги фаоллигини намоён этади.

«Eco Expo Central Asia 2025» нафақат илғор технологиялар намойиш этилган майдон, балки амалий ҳамкорлик ва аниқ ташаббуслар учун самарали платформага айланди. Кўргазма давомида эришилган келишувлар экологик барқарор ривожланишга ўтишда мустаҳкам замин яратади ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги ишончли ва масъулиятли ҳамкор сифатидаги обрўсини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.



EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI  
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM  
O'ZGARISHI VAZIRLIGI

## «ОНАЖОНИМ – ТАБИАТ»

шу номдаги ижодий ишлар танлови ғолиблари тақдирланди



**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида 2025-йил — «Атроф-мухитни асраш ва “яшил иқтисодиёт” йили»га бағишлаб «Онажоним – табиат» ижодий ишлар танлови эълон қилинган эди.**

**Экология вазирлигида танлов ғолиблари ва совриндорларини тақдирлаш маросими ташкил этилди.**

Тадбирда Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири ўринбосари Ж.Казбеков, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири С.Саййид ва бошқалар ушбу танлов экологик тадбирларга уйғун бўлиб, кўплаб янги асарларнинг яратилишида ижодкорларга илҳом бағишлаганини таъкидлашди.

Танловнинг асосий мақсади —

бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига руҳлантириш, она табиатни асраб-авайлашни кучайтириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш туйғусини сингдириш ва шу орқали келгуси авлодларга экологик соф келажакни қолдиришдан иборат.

Тадбирда мамлакатимизда атроф-мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, санитария ва экологик ҳолат-

ни яхшилаш бўйича олиб борилаётган ислохотлар, соҳага фидойилик билан хизмат қилаётган инсонлар ҳаёти ҳақида бадий-публицистик асарлар ёзилиши учун зарур шароитлар яратилаётгани алоҳида таъкидланди.

Танловда 4 номинация бўйича ғолиблар аниқланди. “Энг яхши шеърий асар” номинацияси бўйича 1-ўрин “Яшил дунё, яшил макон” шеърий туркуми учун Замира Рўзиевага, 2-ўрин “Она табиат” шеъри учун Бек Алига, 3-ўрин она табиат ва уни асраб-авайлашга бағишланган шеърлари учун Насрулло Эргашга насиб этди.

“Энг яхши ҳикоя” номинацияси бўйича 1-ўринни она табиат ва уни асрашга бағишланган ҳикоялари учун Нормурод Норқобилов, 2-ўринни “Аср изтиробини”, “Бўрон” ва “Овчи” ҳикоялари учун Хурсанд Али, 3-ўринни эса “Сувсиз ўтган кун” ҳикояси учун Гулноз Тожибоева қўлга киритди.

“Энг яхши драматик асар” номинацияси бўйича 1-ўринга “Заминни кутқаринг, одамлар!” ҳамда “Дарахларнинг маҳзун кўшиғи” драмалари учун Кўчкор Норқобил, 2-ўринга “Сувнинг сўнги томчиси” болалар учун ёзилган пьесаси учун Шавкат

Дўстмухаммад, 3-ўринга “Ҳаёт дарахти” драмаси учун Обиджон Рўзиев лойиқ кўрилди.

“Энг яхши бадий-публицистик асар” номинацияси бўйича 1-ўрин “Оролбоғлар оралаб” ҳамда “Яшил салтанат сари” эсселари учун Эрпўлат Бахтга, 2-ўрин “Меҳримиздан баҳра олиб унсин ниҳоллар” ҳамда “Ер кўкарса, эл кўкаради” мақолалари учун Мунаввара Усмоновага, 3-ўрин “Лойқаланаётган осмон, қирланаётган Замин” публицистик мақоласи учун Азим Рўзиевга насиб қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси Халқ шоири, “Дўстлик”, “Меҳнат шухрати” орденлари соҳиби Сирожиддин Саййид ҳамда тўртта номинация бўйича биринчи ўринни қўлга киритган ғолиблар “Табиат химоячиси” кўкрак нишони билан тақдирланди.

Мазкур ҳамкорлик мамлакатимизда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларни тиклаш, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсирини камайтириш ҳамда атроф-мухитни муҳофаза қилиш мақсадида она табиатни юксак бадий савияда тараннум этишга хизмат қилади.

## ИСЛОҲОТЛАР ҚОҒОЗДА ҚОЛМАСИН



**Мамлакатимизда сўнгги 7-8 йилликда деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган майдонлардан самарали фойдаланиш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва турмуш даражасини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.**

Хусусан, жорий йил февраль ойида қабул қилинган “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони билан томорқа ерлари ва деҳқон хўжаликлари ер майдонларидан самарали фойдаланиш, соҳага замонавий бошқарув тизимини жорий этиш, маҳаллаларнинг ихтисослашувидан келиб чиққан ҳолда юқори даромадли ва экспортбоп маҳсулотлар етиштириш механизмлари жорий этилди.

Шунингдек, 2025 йил бошидан буён 867 та “оғир” тоифадаги маҳаллага сув чиқариш учун 1,4 триллион сўм маблағ ажратилди. Бунинг ҳисобига 662 минг хонадон-

даги жами 80 минг гектар томорқага 25-30 йил ичида илк бор сув етиб борди. Бу ўртача ҳисобда 3 миллиондан ортиқ аҳоли ҳаётида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлган воқелик саналади.

Бирок, айрим масъул идораларнинг бепарволиги сабаб 662 минг хонадоннинг барчаси ҳам сердаромад экин экиб, 2-3 марта ҳосил олаётгани йўқ. Сабаби, ушбу аҳоли 1 сўмлик сувдан 2-3 сўмлик даромад олишга ўргатилмаган. Натижада, миллиардлаб маблағ эвазига ташкил этилган инфратузилмадан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу эса, фақат сув етиб бориши билан эмас, балки локал иқтисодиёт ва тажриба йўли билан тўлалигича амалга оширилиши керак бўлган жараён ҳисобланди.

Мисол учун, жорий йилда Қорақалпоғистондаги 89 та маҳаллага 150 миллиард сўм маблағ берилган. Шу боис, мутасаддиларга бу маҳаллаларда томорқадан 350-400 миллиард сўмлик қўшимча маҳсулот олиш бўйича тизим яратиш топширилди. Бу шунчаки маблағ ажратиш эмас, ички иқтисодиётни жонлантириш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш, даромадини кўпайтириш демакдир.

Қолаверса, ҳар бир туманда 5 тадан, жами 1 минг 156 та драйвер лойиҳа инфратузилмасига 300 миллиард сўм ажратилган. Лекин, Бухородаги 27 та, Навойидаги 22 та лойиҳа бўйича қурилиш бошланмаган. Жиззах, Қашқадарё, Фарғона ва Тошкент вилоятида ҳам ишлар режадан 1-2 ойга кечикмоқда.

Ёки бўлмаса 16 та туманнинг ҳар бирини жадал ривожлантиришга 70 миллиард сўмдан пул ажратилди. Биринчи босқичда 336 миллиард сўм берилгани билан Чимбой, Асака, Чортоқ туманлари ҳокимлари ўзи берган лойиҳани қайта-қайта ўзгартириб, вақтни бой бермоқда, натижада аҳоли кутган натижа кечикмоқда. Бу эса, ўша ҳудуд аҳолиси ҳаётида рўй бериши лозим бўлган ижобий ўзгаришларнинг ўз

вақтида амалга ошмаслигига сабаб бўлмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, кўпинча ушбу жараёнларда депутатлар иштироки етарли даражада бўлмапти. Сабаби, бугунги ислохотлар жараёнида биз депутатларнинг иш столида эмас, майдонда – халқ ичида бўлишимиз ислохотлар натижадорлигини ошишига хизмат қилади.

Чунки, депутатлар маҳаллий ҳокимият ва ижро органлари устидан назорат функциясини фаол амалга оширишса ҳамда қонуний асосда ҳал бўлмай келаётган масалаларни ўз вақтида Кенгаш муҳокамасига чиқарсагина жойларда кутилган натижага ўз вақтида эришиш мумкин.

Ҳар бир ислохот, ҳар бир фармон, ҳар бир қарор одамлар ҳаётини яхшилаш учун қабул қилинади. Лекин уларнинг ҳаётда самара бериш-бермаслиги депутатларнинг фаоллиги, халқ билан мулоқоти, муаммонинг ечимини талаб қилишга бўлган жасоратига боғлиқ.

**Дилрабо ХОЛБОЕВА,**  
Қонунчилик палатасининг  
Аграр ва сув хўжалиги  
масалалари қўмитаси раиси  
ўринбосари

## ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ

**Таълим тизими жамиятда экологик онг ва масъулиятни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди. Экологик тарбияни босқичма-босқич, тизимли тарзда амалга ошириш орқали ёш авлодда табиатга нисбатан ҳурмат, эҳтиёткорлик ва ғамхўрлик туйғулари шаклланади. Бу жараён мактабгача таълимдан бошлаб олий таълим босқичигача бўлган даврни ўз ичига олади.**

Мактабгача таълим муассасаларида экологик тарбия эртақлар, шеърлар, кўшиқлар ва табиатга саёҳатлар орқали берилди. Болаларга дарахтларни суғориш, ҳайвонларга ғамхўрлик қилиш, гулларни парваришlash каби амалий фаолиятлар орқали экологик кўникмалар шакллантирилади. Ўйин орқали ўргатиш методи бу ёшдаги болалар учун самарали усуллардан биридир.

Мактаб таълимида экологик тарбия биология, география, технология ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги каби фанларда назарий билимлар орқали берилди. Мактабларда экологик бурчаклар ташкил этилиши, чиқиндиларни саралашга оид кўргазмалар, “Табиатни асрайлик” мавзусида иншолар, расмлар танлови ва амалий тадбирлар ёшларни экологик масъулиятга ўргатади.

Олий таълим муассасалари эса экологик маданиятни шакллантиришда янада кенг имкониятларга эга. Жумладан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ҳозирги



кунда талаба-ёшларни табиатни асраш, экологик муҳофазани кучайтириш, яшил ҳудудларни кенгайтиришга қаратилган тарғибот ишлари кенг амалга оширилмоқда. Университетда талабаларнинг экологик фаоллигини ошириш мақсадида турли семинар-тренинглар, суҳбатлар, “Яшил макон” лойиҳасига бағишланган тадбирлар, дарахт экиш акциялари ташкил этилмоқда.

Талабалар экологик тозалikka оид ташаббусларда фаол қатнашиб, университет ҳудудида чиқиндиларни ажратиб йиғиш, яшил майдонларни парваришlash, дарсхоналарда гул экиш ва экологик ҳаёт тарзини шакллантиришга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Шунинг

дек, ижтимоий тармоқлар орқали экологик онгни оширувчи постлар, видео чиқишлар, иншолар ва ижодий ишлар билан чиқишмоқда.

Шу жиҳатдан қараганда, Жаҳон тиллари университетидаги экологик тарғибот ишлари ёшларнинг табиатга нисбатан масъулиятли муносабатини шакллантиришда ижобий натижалар бермоқда. Бу эса нафақат ўқув жараёнининг самарадорлигини, балки экологик тарбия сифатини ҳам оширишга хизмат қилади.

**Парвина МУҲТАШАМОВА,**  
Жаҳон тиллари университети катта  
ўқитувчиси



## ЭНДИ МАСЪУЛИЯТ ҲАМ, ИМКОНИЯТ ҲАМ ЎЗИМИЗДА

**Сўнгги йилларда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларнинг ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишга оид долзарб масалаларни ҳал қилиш бўйича ваколатлари кенгайтирилиб, халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди.**

Хусусан, олдинлари маҳаллий Кенгашларнинг ваколатлари миқдори 20 тага ҳам етмаган бўлса, охириги 8 йилда улар қарийб олти баробарга ошиб, 120 тадан ошди. Биргина, Президентнинг 2024 йил февраль ойидаги “Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 33 та функцияваваколати жиро ҳокимиятидан маҳаллий Кенгашларга ўтказилди.

23 июнда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятини 2030 йилга қадар ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар, хусусан, “Кучли Кенгаш, ҳисобдор ва ташаббускор ҳоким” тамойилини рўёбга чиқаришда муҳим қадам бўлди.

Қолаверса, Фармоннинг қабул қилиниши маҳаллий даражада халқ ҳокимиятчилигини тўлақонли рўёбга чиқариш, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалаларини ҳал этишда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини ошириш, фуқароларнинг маҳаллий бошқарувда кенг иштирок этишига оид демократлаштириш жараёнларини мустаҳкамлаш ҳамда ҳудудий бошқарувни “аҳоли манфаатларига хизмат қилиш” тамойили асосида номарказлаштиришга қаратилганлиги билан янада аҳамиятлидир.

Жумладан, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ташаббускорлигини янада оши-

риш мақсадида қуйидаги ваколатлар Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтказилди.

– давлат кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара тўловининг энг кам ставкаларини белгилаш;

– дафн этиш жойларини сақлаш коидаларини ва дафн этиш хизматларини кўрсатиш бўйича тарифлар миқдорини тасдиқлаш;

– ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш ва захирага қўйиш;

– йўлларнинг айрим қисмларида ҳаракатланиш тезлигини оширишга ёки камайтиришга (тегишли йўл белгилари ўрнатиб) рухсат бериш;

– бюджет лойиҳасини ишлаб чиқишда маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисмини маҳаллий Кенгаш депутатларининг бевосита ташаббуси асосида шакллантириш амалиётини йўлга қўйиш;

– Олий Мажлис палаталари ҳузуридаги ёшлар парламентлари тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, жамоатчилик асосида маҳаллий Кенгашлар қошида Ёшлар гуруҳлари ташкил этиш;

– маҳаллий Кенгаш ҳузурида нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ҳамда илмий доиралар вакиллари билан иборат жамоатчилик асосида фаолият юритадиган Маслаҳат гуруҳлари ташкил этиш;

– маҳаллий Кенгашлар котибиятлари фаолиятини ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида Халқ депутатлари ви-

лоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларида маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларидан мустақил молиявий ҳисоб-китоб тизими жорий этиш;

– Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаш раиси ўринбосари институти ташкил этилиши шулар жумласидандир.

Эътиборли жиҳати фармон билан тақдим этилган ушбу имтиёзлар нафақат маҳаллий Кенгашларнинг ташаббускорлигини ошириш, уларни аҳоли муаммоларини ҳал этишда янада таъсирчан ва мустақил орган сифатида шакллантиришга шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлар манфаатларига қаратилганлигидир.

Мисол учун, амалдаги тартиб бўйича вилоят ёки туман марказидаги эски корхона биносини ижарага бериш ва ижара ставкасини белгилаш ҳокимлар ваколатида бўлиб келган. Баъзан ҳокимларнинг вақти ва қош-қовоғига қараб бу жараён узок вақт талаб қилар эди. Энди бу жараён маҳаллий Кенгашларда кўпчилик овози билан ҳал бўлади. Депутатлар ўша ҳудуддаги бозор шароити, тадбиркорлар салоҳияти ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, ижара тўловининг энг кам ставкаси бўйича ўзлари қарор қабул қилади. Бу – халқчил бошқарув сари ташланган навбатдаги амалий қадамдир.

Шунингдек, яна бир ваколатга кўра, маҳаллий Кенгашлар ижтимоий муҳофазага мухтож, иш топишда қийналаётган ва меҳнат бозорида тенг шартларда рақобатлаша олмайдиган шахсларни ишга жойлаштиришга масъул этиб белгиланди. Эндиликда, депутатлар томонидан мазкур тоифадаги фуқароларни ишга жойлаштириш учун ҳар бир ташкилотда энг кам иш ўринлари сонини белгиланиб, маълум бир иш ўрни захирага қўйилди ва уларга фақат ижтимоий ҳимояга мухтожлар инсонларгина жойлаштирилади. Бу аҳоли даромадини ошириш ҳамда камбағалликни камайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра, маҳаллий бюджет харажатларининг муайян қисми Кенгаш депутатлари ташаббусига асосан шакллантирилади. Масалан, Арнасой тумани Кенгаш депутатлари аҳоли мурожаатлари асосида 3 та маҳаллага ичимлик суви тармоғи ўтказишни таклиф қилса, шу йўналишга бюджет лойиҳасида зарурий маблағлар ажратилади. Бу амалиёт жойларда муаммоларнинг тезкор ҳал этилишига ҳамда депутатлар сайловчиларга берган ваъдаларини ўз вақтида бажаришига хизмат қилади.

Сир эмаски, Янги Ўзбекистондаги ҳар бир ислохот ва ҳуқуқий ҳужжат замирида ёшлар масаласига муҳим йўналиш сифатида алоҳида эътибор қартилади. Жумладан, эндиликда ҳар бир маҳаллий Кенгаш қошида Ёшлар гуруҳлари ва жамоатчилик асосида Маслаҳат гуруҳлари ташкил этилади. Ёшлар гуруҳи маҳаллий Кенгашлар фаолиятига янги ғоялар билан янги қон ва руҳ олиб кирса, Маслаҳат гуруҳлари Кенгаш қарорларини илмий таҳлил этиш ва экспертлик хулосасидан ўтказиш нуқтаи назаридан кўмаклашиб боради.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур фармон маҳаллий Кенгашларнинг бюрократик идора эмас, балки халқнинг муаммоларини ечадиган жонли ва таъсирчан органга айланиши учун ҳуқуқий пойдевор яратди. Муҳими, бу ваколатлар халқ ва депутат ўртасидаги муносабатларни янада яқинлаштиради. Энди одамлар кўз олдига маҳаллий Кенгашлар деганда маҳаллий бюджетни тасдиқлаш учун қўл кўтариб туширадиган депутатлар эмас, халқ овозини эшитиб, муаммоларни ҳал қилиш учун ишлайдиган ҳақиқий вакил гавдаланади.

**Фаррух АБДУҲАМИДОВ,**  
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази  
эксперти,  
Халқ депутатлари Арнасой тумани Кенгаш депутатлари



## БИР ҲОВУЧ ДОН ҚАДРИ

«Сиёб» бозори яқинидаги ошхоналардан бирида тушлик қиляпмиз. Ёнимиздаги сўрида ўтирган чолу кампирлар тушлик қилиб бўлдилар чоғи, дуога кўл очишди. Бобо замонамизга тинчлик, элга омонлик, ризку насибамиз бутун бўлишини сўраб, «мустақиллигимизга кўз тегмасин, Юртбошимиз соғ-омон бўлсинлар, ёшларимиз униб-ўссинлар, ризк-насибамиз бутун бўлсин» дея юзига фотиҳа тортди. Ўринларидан туриш маҳалида момо ёзиқ дастурхондаги нон бўлакларини йиғиштириб олиб, тугунчага солди. Бобо ҳам қандайдир савоб ишга кўл ургандек қарашиб юборди. Урвоқларни-да териб-тергилаб олишди.

мана бундай бекадр қилса, одамга алам қиларкан.

– Дехқончилик вақт билан, қоғозлардаги кўрсатмалар билан ҳисоблашмайди. Қишнинг чилласида ҳам, ёзнинг саратонида ҳам кетмон елкалаганлар далада бўлишади. Мўлжалини куёшнинг чиқиши-ю, ботиши билан олиб ишлагани-ишлаган. Бундай захматларни шаҳарликларнинг айримлари билишмайди. Айниқса, баъзи ёшлар қайдан ҳам билишсин.

– Аслида ёшларга бундай панду-насихатларни кўпроқ сингдириб боришимиз керак деб ўйлайман. Негаки, ҳеч бўлмаганда

Ҳайитов” фермер хўжаликлари агротехник тадбирларни унумли йўлга қўйиб ғаллачиликдан юқори ҳосил етиштирдилар. Айни пайтда ғалладан бўшаган майдонларда картошка, сабзи, лавлаги ва макка экинлари экилиб парваришлана-япти.

Фермерларимиз ғалла режаларини уддалаб, ортигини аъзоларига ҳам тақсимлашди. Омборимиз донга тўлди. Ҳар бир хонадондан нон хиди келиб турибди. Ахир бу Худонинг инояти эмасми? Халқимиз азал-азалдан «Уйинг буғдойга тўлсин» дея дуо қилган. Сабаби, нон — улугъ неъмат. Ҳамма замонларда

кутибди. Шунда подшоҳ «йўлда қўлимдан бир урвоқ тушиб кетди, уни топинглар» дебди. Бутун бошли кўшин кум бағрига сингиб кетган ушоқни топишолмабди. Шунда подшоҳ урвоқ тушган жойни мўлжаллаб, атрофини баланд девор билан ўратибди. Ўша йили салтанатига қарашли ғаллазорларда чунонан ҳосил бўлибдики, буни кўп яхши-ёмон замонларни кўрган кексалар “олампадохимизнинг қутлуғ ниятлари, пойи қадамлари шарофати бу!” дея эътироф этишибди. Тўғрида, нимани, қаерда кадрлашса, ўша жойда барокат бўлади. Бу йил сув мўл, об-хаво қулай келганлиги дехқонларимизнинг ғалладан кўзлаган ҳосилни олишга имкон яратди.

Шукрки, эндиликда Ўзбекистон хорижга ғалла экспорт қиляётган мамлакатлар қаторида турибди. Ҳамма гап ана шу мавқени сақлаб қолишда. Шу пайтгача асосий эътибор миқдорга қаратилиб келинди, бу сир эмас. Энди эса сифатга диққат қилишмоқда. Ўзбекистон буғдойзорлари бир-биридан фарқ қилади. Бугина эмас, туманлараро ҳам турлича тупроқ, сув, иқлим шароитлари кузатилади. Шуларни ҳисобга олган олимларимиз дехқонлар билан ҳамкорликда селекция ишларини давом эттиришмоқда. Ҳар бир худудга мос, оппоқ ва таркибида қайишқоқ модда (клейковина) маромида бўлган ун берувчи буғдой навлари яратилишига ҳеч ҳам шубҳа қилмаймиз. Гап ўшанда ҳам ноннинг кадрига етишимиз, албатта шартлигига бориб тақалаверади. Негаки, нон айтиб ўтганимиздек, улугъ, дуо кетган илоҳий неъмат. Уни кадрламас эканмиз, урвоғини ҳам нон деб билмас эканмиз, хайру-барака бўлмайди.

Буни ёшларимиз кўпроқ билишлари керак. Ўшанда улар дуоғўй нуронийлар устидан қилишмайди, нон эъзоз топади, ҳаётимиз тўкин, турмушимиз фаровон бўлаверади.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**  
журналист

**Самарқанд туманидаги Наврўз Агротехсервис МЧЖ агрофирмаси раҳбари Ориф Хасанов кўлидаги яримта оппоқ, лекин тупроққа беланган нонни пуфлаб-пуфлаб кўзига суртиб гапиряпти. Овози қалтирайди, сўзларидан ич-ичидан афсусланаётгани сезилиб турибди.**

улар ноз-неъматлар, гўшт, сут қаймоқ-қатик қандай келаётганини фахмласинлар. Дастурхондаги бўрсилдоқ нонлар аввал буғдой, сўнгра ун бўлишини, ундан қандай қилиб нон тайёрланишини ўз кўзлари билан кўрсинлар. Ўшанда, зора нондан эҳтиёжга яраша фойдаланишар, ортганини улоқтириб юборишмас.

Худудимизда 37 нафар фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, 17 таси ғаллачилик, 3 таси чорвачилик билан шуғулланишади, 4 нафар фермерлар ихтиёрида музлатгичлар, 2 тасида эса ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Мавжуд техникаларимиз орқали сифатли хизмат кўрсатилиб, малакали мутахассисларимиз агротехник тадбирларга кўмакдош бўлишмоқда. Президентимиз дехқончилик билан илм-фанни чамбарчас боғлаб ривожлантириш борасидаги топшириқларига амал қилиб ижобий натижаларга эришишига ҳаркат қиляпмиз. Жорий йилда “Азам Азамат агро”, “Турсунов Асрорхон боғлари”, “Иззат Ҳамдамов”, “Жахонгир Барноев агро”, “Ўроз

ҳам унга етишиш осон кечмаган. Ноннинг борлиги бир сўз билан айтиладиган бўлсак, ҳаёт давомийлигидан далолатдир.

Дарҳақиқат, Орифжон ака бор гапни айтди. Нон чиндан ҳам инсон истеъмол қиладиган таомлар шоҳи. У фақат ва фақат эъзозга лойиқ. Уни хор қилган одамнинг ўзи хор бўлади. У кадрланган жамият эса гуллаб-яшнайдди. Инсон ҳаётга келибдики, яхши, бахтли яшашга интилади. Турмуши тўкин-сочин бўлишини истаиди. Бироқ бу дегани ноз-неъматларни истаганча исроф қилишинг, хоҳлаганча тўкиб-сочишинг мумкин дегани эмас-да. Биз, аввало, тежоғли бўлишни, айниқса, нонни эъзозлашни билишимиз зарур, йўқса, ёлчимаймиз, биримиз икки бўлмайди.

Ривоят қилишларича, қадимда улугъ бир соҳибқирон ўтган экан. Қўшини билан бийдай чўлдан ўтаётди от устида тамадди қилиб олишларига тўғри келибди. Бир маҳал саркарда қўлини осмонга кўтариб «тўхтаг» ишорасини қилибди. Қўшин тўхтаб, амрни

Ошхонада мижозлар кўп эди. Узоқ бир қишлоқдан келган икки қариянинг чой ичиб бўлишгач, замонага шукроналар келтириб дуолар қилишганини, дехқон меҳнатини кадрлаб кўзларига тутиё айлаганларини биров сезди, биров сезмади. Бизга ёмон таъсир қилгани эса, сўри ён томонидаги столда ўтирган ёш йигит-қизларнинг ошқора хиринглаб, қулишгани бўлди. Уларнинг нон бўлакларини йиғиштириб олган кексалар устидан «қурумсоқ» деган мазмунда қулишаётганлари шундоқ сезилиб турарди. Аслида эса бу ҳолат уларнинг, яъни шаҳарда ўсиб-улғаяётган ёш йигит-қизларнинг нонга муносабат масаласида тўқликка шўхликларидан дарак эди. Оилада, боғча, мактаб, ўқув юртларида, жамоалар, маҳаллаларда ризк-насиба сабоқлари бўйича олиб борилаётган ишларимизда оқсашлар мавжудлиги ҳам шу воқеа муносабати билан кўриниб турарди.

Бир қарашда оддийгина туюлган бу воқеа замирида нималар ётибди, буни ақли бутун ҳар бир киши фаҳмлай олади, ўйланиб қоласан баъзида наҳотки, одамзот тўқликнинг кадрига етиши учун очарчиликни кўриши керак? Наҳотки, асосий истеъмол маҳсулотимиз ноннинг осмондан тушмаётганлигини англаб етиш шунчалар қийин бўлса?!

Самарқанд туманидаги Наврўз Агротехсервис МЧЖ агрофирмаси раҳбари Ориф Хасанов кўлидаги яримта оппоқ, лекин тупроққа беланган нонни пуфлаб-пуфлаб кўзига суртиб гапиряпти. Овози қалтирайди, сўзларидан ич-ичидан афсусланаётгани сезилиб турибди.

Ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экамиз. – Ғалла, мева-чева етиштирайлик, давлатга сотайлик, шаҳарларга тортиқ келайлик деб, жамоамиз чекаётган захматни эсласам, меҳнатимизнинг неъматини қайсидур нонкўрлар

# Магнит тўлқинлар остида: ТАБИАТ ВА ИНСОН ҚАНДАЙ ЎЗГАРАДИ?

Ер — нафақат биз яшаётган макон, балки коинотдаги улкан тизимнинг бир бўлагидир. Унинг теваарагида рўй бераётган ҳодисалар бевосита бизнинг кундалик ҳаётимизга таъсир этади. Шундай ҳодисалардан бири — магнит бўронлари, яъни Қуёшдан чиқаётган кучли заррачалар оқими туфайли Ер магнит майдонида юзага келадиган беқарорликдир. Бу беқарорлик эса нафақат технологик тизимларга, балки тирик организмларга, шу жумладан, инсон организмга ҳам таъсир кўрсатади.

## Қуёшдан келаётган магнит зарбалари

Қуёш фаолиятининг ортиши натижасида кучли энергия ажралиб чиқади. Ушбу энергия “қуёш шамоли” тарзида коинотга тарқалиб, Ер магнит майдонига тўқнаш келади. Натижада магнит майдонда кескин ўзгаришлар — геомагнит бўронлар юзага келади. Бу тўлқинлар кўзга кўринмайди, аммо Ер атмосфера-сига, технологиялар ва тирик мавжудотлар мувозанатига сезиларли таъсир қилади.

## Табиат қандай жавоб қайтаради?

Табиатда кўплаб ҳайвонлар, айникса, қушлар ва балиқлар навигация (йўл топиш) учун Ер магнит майдонидан фойдаланади. Магнит майдоннинг ўзгариши уларнинг йўналишини бузади, миграция вақтида чалкашликлар келтириб чиқаради. Баъзида бутун гуруҳ ҳайвонлар адашиб қолган ҳолатлар ҳам кузатилган.

Шунингдек, кучли магнит бўронлар пайтида шимолий ёғдулар (ауроралар) каби ажойиб ҳодисалар содир бўлади. Бироқ бу гўзаллик ортида яширин энергия ўзгаришлари яширинган.

## Инсон саломатлигига таъсири қандай?

Магнит бўронлари — бу коинотда рўй бераётган кучли энергиявий ҳодиса бўлиб, унинг Ер магнит майдонига таъсири натижасида инсон танасидаги электромагнит мувозанат бузилади. Бу бевосита нерв тизими, юрак-қон томир тизими, гормонлар ишлаб чиқарилиши ва

ҳатто психологик ҳолатга ҳам таъсир қилади.

## Қуйидаги симптомлар магнит бўронлари пайтида кўп кузатилади:

Юрак фаолиятида ўзгаришлар: юрак уриш тезлашиши (тахикардия), юрак сиқилиши, оғриқ, қон босими кўтарилиши ёки тушиши. Асаб тизими бузилиши: бош оғриғи, айниқса энса соҳасида, уйқусизлик, ортиқча чарқоқ, асабийлашиш, сабабсиз безовталиқ, диққатни жамлашда қийинчилик, Гормонал ўзгаришлар: аёлларда ҳайз цикли бузилиши, қандли диабет-

**Магнит бўронлари: сунъий йўлдошлар, радио ва мобил алоқалар, ГПС тизимлари, ҳатто электр узатиш тармоқларига ҳам таъсир кўрсатади. 1989 йилда Канадада содир бўлган магнит бўрон оқибатида миллионлаб одам электрсиз қолган эди. Бу каби ҳодисалар экологик ва технологик барқарорликка жиддий чақириқдир.**

ли беморларда қон глюкозаси даражасининг беқарорлиги. Сурункали касалликлар кучаяди: гипертония, юрак ишемик касаллиги, астма, мигрен, ревматизм.

## Кимлар кўпроқ хавф остида?

Кекса ёшдагилар, Юрак-қон томир касалликларига эга беморлар, ҳомиладор аёллар, сурункали стресс ёки уйқу бузилиши бўлганлар, қон айланиши бузилганлар (тромбоз, варикоз, инсулт тарихига эга беморлар).

## Олдини олиш ва химояланиш чоралари

Магнит бўронлари табиий ҳодиса бўлиб, уларни тўхтатиб бўлмайди. Аммо тўғри профилактика орқали унинг салбий таъсирини камайтириш мумкин.

### 1. Тиббий профилактика:

Юрак касаллиги бўлганлар шифокор тавсиясига биноан дори воситаларини мунтазам қабул қилсин. Қон босими юқори бўлганлар дори ичишни вақтида бажарсин, ўзини зўриқтирмасин. Қон қуюқлашувига мойил одамларга магний ва омега-3 га бой маҳсулотлар тавсия этилади (зайтун ёғи, балиқ).

### 2. Овқатланиш ва суюқлик баланси:

Калий ва магнийга бой маҳсулотлар истеъмол қилинг: банан, қурутилган ўрик, исмалоқ, қовоқ уруғи, ёнғоқлар. Тузни камайтинг, спиртли ичимликлардан сакланинг. Кўпроқ суюқлик ичинг (оддий сув, лимонли чой).

### 3. Қон тартибини енгиллашти-

ринг:

Магнит бўрони кутилаётган кунларда оғир жисмоний меҳнат, узок сафар, стрессли вазифаларни режалаштирманг. Енгил пиёда юриш, медитация, чуқур нафас машқлари фойдали.

### 4. Уйқу ва дам олиш:

Кечаси 7–8 соат давомида тўлиқ уйқуга риоя қилинг. Телефон, телевизор ва бошқа электромагнит қурилмалардан кечкурун узокроқ бўлинг.

### 5. Ахборотдан хабардор бўлинг:

Ўзбекистон Гидрометеорология

маркази ёки бошқа манбалар орқали магнит бўрони прогнозларини кузатиб боринг. «Геомагнит фаоллик 4 балл ва ундан юқори» бўлса, эҳтиёт чоралари кучайтирилади.

## Технологик тизимлар ҳам “азият чекади”

Магнит бўронлари: сунъий йўлдошлар, радио ва мобил алоқалар, ГПС тизимлари, ҳатто электр узатиш тармоқларига ҳам таъсир кўрсатади. 1989 йилда Канадада содир бўлган магнит бўрон оқибатида миллионлаб одам электрсиз қолган эди. Бу каби ҳодисалар экологик ва технологик барқарорликка жиддий чақириқдир.

## Нима қилиш керак?

Магнит бўронлар олдини олишнинг иложи йўқ, аммо уларнинг таъсирини енгиллаштириш мумкин:

Юрак касаллиги, гипертония ёки бошқа сурункали муаммоларга эга шахслар дори воситаларини тўғри ва ўз вақтида қабул қилишлари керак. Шўр, ёғли ва дудланган овқатлар ўрнига — мева, сабзавот, калий ва магнийга бой маҳсулотларни истеъмол қилиш тавсия этилади. Стрессдан сакланиш, тоза ҳавода юриш ва яхши уйқу саломатликни барқарорлаштиради. Ўзгидромет томонидан эълон қилинадиган магнит фаоллик прогнозларига эътиборли бўлинг.

## Хулоса

Магнит бўронлари — бу табиатнинг жим сигналидир. У инсонни атроф-муҳит билан уйғун яшашга ундайди. Экологик онг ва саломатлик маданиятини ривожлантириш орқали биз бу табиий ҳодисаларни чуқур англаб, ўзимизни ва яқинларимизни химоя қила оламиз. Табиат жим бўлса ҳам, у биз билан мулоқотда. Фақат эшитишни, тушунишни ўрганишимиз керак.

Шаҳзод ҲАМИДОВ





Кейинги йилларда юртимизнинг барча гўшалари каби Қашқадарё вилоятида ҳам катта ўзгаришлар кузатилмоқда. Илгари инфратузилмавий жиҳатдан етарлича ривожланмаган ҳудудлар бугун тубдан ўзгариб, замонавий шаҳарлар ва хизматлар марказига айланмоқда.



## ТУРИЗМ ИМКОНИАТЛАРИ ВА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР САМАРАСИ

Ушбу жараёнда саноат, тадбиркорлик, туризм, тиббиёт, таълим каби соҳаларда амалга оширилаётган ишлар аҳолининг ҳаёти сифатини яхшилаш, камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталига сармоя йўналтиришда муҳим ўрин тутаётир.

Биргина вилоятнинг Кўкдала туманида амалга оширилган ишлар – воҳадаги саноат ва инфратузилма соҳасидаги улкан ўзгаришларнинг яққол намунаси, десак тўғри бўлади. Авваллари янтоқзор майдонда бугун замонавий шаҳарча — “Еттитом” барпо этилди. Янгидан маъмурий бинолар, мактаблар, боғчалар, шифохоналар ва хизмат кўрсатиш марказлари қурилиб, аҳоли учун барча шароитлар яратилди.

Иқтисодий ислохотлар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаол қўллаб-қувватланмоқда. Турли хизмат кўрсатиш марказлари, савдо дўконлари, маҳаллий цех ва устахоналарнинг ташкил этилиши орқали аҳолининг даромад манбаи ошмоқда. Бу эса камбағалликни қисқартиришга хизмат қилаётир.

Ҳозир вилоятнинг қай бир туманига борманг, катта-катта ўзгаришлар, аҳолининг ҳаётдан рози бўлиб яшаётганига гувоҳ бўласиз. Масалан, воҳада туризм соҳаси миллий иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан бири сифатида жадал ривожланмоқда. Алоҳида эътибор туфайли вилоятга ташриф буюрувчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ошиб бораётир. Хусусан, Шаҳрисабз туманидаги “Мираки” маҳалласининг туристик марказга айланиши вилоят туризм соҳасидаги стратегик ютуқлардан бири бўлди. Ушбу масканда яратилган шарт-шароитлар нафақат маҳаллий, балки хорижий сайёҳларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Туризм орқали аҳоли бандлиги таъминланиб, маҳаллий маҳсулотлар ва хизматларга бўлган талаб ошяпти.

Президентимизнинг ҳудудлар ривож, ислохотлар натижадорлиги билан яқиндан танишиш, халқ билан очик

мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига бу галги ташрифи воҳа аҳлининг кайфиятини кўтариб, уларни янги марралар сари руҳлантиргани рост.

Бинобарин, ташриф давомида саноат, тиббиёт, туризм, энергетика каби кўплаб соҳалардаги корхоналар фаолияти билан танишилди, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишлари кўздан кечирилди. Хусусан, Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” экспортчи корхона, Шаҳрисабз шаҳридаги кўп тармоқли кардиология маркази, Яккабоғ туманидаги Янги Ўзбекистон массиви ва у ерда барпо қилинган Эко бозори кўздан кечирилгани, аҳоли билан самимий, дилдан суҳбатлар қилингани энг чекка ҳудудларгача амалга оширилаётган халқчил ислохотларнинг ёрқин намунаси, дейиш мумкин.

Ўзим ҳам воҳа фарзанди сифатида алоҳида таъкидламоқчиманки, охириги йилларда бўлаётган бу каби улкан ўзгаришларни сайловчилар билан учрашувларимиз давомида ҳам бевосита гувоҳи бўляпмиз.

Қашқадарё вилоятидаги ислохотлар бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган “Инсон қадри учун” тамойилининг амалдаги ёрқин намунаси. Янтоқзордан шаҳарча, боғчасиз ҳудуддан таълим марказлари, узоқ тиббий хизмат ўрнига маҳаллий замонавий шифохоналар — буларнинг барчаси одамларнинг ҳаётида туб ўзгаришлар яратиб, фаровонлик сари йўл очмоқда.

Фаол ислохотлар натижасида вилоят нафақат иқтисодий, балки ижтимоий жиҳатдан ҳам юксалиб борапти. Бу эса ҳудуд ва мамлакатнинг умумий ривож учун ҳам катта пойдевор яратади.

Қайд этиш жоизки, бугун мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар соҳа ва тармоқларда ўз натижасини бераётганини кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Чунки бутун республикада технологик “сакраш” кузатилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг беш ойида саноат 6,4

фоиз ўсган бўлса, бу соҳада экспорт 6 миллиард доллардан ошгани диққатга сазовор.

Албатта, бунда Қашқадарё саноатининг ҳиссаси катта эканлиги диққатга сазовор. Шундай экспортчи корхоналардан бири — Қарши шаҳридаги “Alp techno servis” дир. У хорижий “TCL”, “HOFFMANN” брендлари учун буюртмалар тайёрлаб берапти. Шунингдек, маҳаллий SMART брендида асос солинган. Шу номлар остида йилига 500 минг донагача телевизор ва электрон платалар ишлаб чиқарилаётир.

Маҳсулотлар ҳам юқори технологик, сифати ва дизайни бозор талабига мослигини алоҳида таъкидлаш керак. Фикримизни 70 фоиз товарлар экспортга йўналтирилаётгани, биргина ўтган йили 2 миллион доллардан зиёд экспорт қилингани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ҳар ойнинг охириги ҳафтасида халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимиз ҳудудларида бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказамиз. Очиғи, ҳар гал бирор ўзгариш ёки янгиланишнинг гувоҳи бўламиз. Оддий мисол, яқин-яқинчага ёшлар иш излаб хорижга кетаётган бўлса, бугун улар ўз маҳалласида меҳнат қияпти, даромад топяпти.

Албатта, бугун воҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ишлар аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларнинг турмуш фаровонлигини яхшилашга қаратилаётгани билан аҳамиятлидир. Шубҳасиз, ушбу ташрифдан сўнг юзлаб янги лойиҳалар амалга оширилади, минглаб янги иш ўринлари яратилиб, халқимиз фаровонлиги янада юксалади. Ташриф давомида белгилаб берилган вазифалар ижросини ўз вақтида таъминлашда биз, депутатлар ҳам камарбаста бўламиз.

**Наргиза САЛОМОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси депутати.**

### МУАССИСЛАР:

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси

Савдо-саноат палатаси

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси

### Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ  
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ  
Акмал САИДОВ  
Ақтам ҲАЙИТОВ  
Камолиддин ИШАНХОДЖАЕВ  
Даврон ВАҲОБОВ  
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир  
Мақсуд  
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-710  
Адади: 1600

Пайшанба кун чикади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.


2024 йил 2 августда  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти ҳузуридаги  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар агентлиги  
томонидан 0010-рақам билан  
рўйхатдан ўтказилган.  
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун  
телефонлар:  
99-994-70-52  
98-111-48-29

Электрон почта:  
jamiyat@mail.uz  
Газета индекси – 131  
“ЖАМИЯТ” дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти: 20:00  
1 2 3 4 5 6

# ПАРКЕНТ

**табiiй бойлик, тарихий мерос ва иқтисодий салоҳият  
уйғунлашган бетакрор ҳудуд**



## Сўлим боғларимиздан дунё бозорларига

Туман анъанавий равишда боғдорчилик ва узумчилик билан шуҳрат қозонган. Иқлим шароити мевазорларни ривожлантириш учун ноёб имконият яратади.

Давлатимиз раҳбари ана шу имкониятни инобатга олган ҳолда мевасабзавот маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар, логистика марказлари ташкил этиш, экспортга йўналтирилган маҳсулот етиштиришни кенгайтириш, “Паркент боғларидан дунё бозорларига” тамойили асосида ишлаш муҳимлигини таъкидлади.

Бу, ўз навбатида, кишлок хўжалиги соҳасидаги тадбиркорлар учун кўшимча қиймат занжирини шакллантириш имконини беради. Шунингдек, ишлаб чиқариш билан қайта ишлаш жараёнини интеграция қилиш орқали ҳосилни йўқотмай, юқори қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга туртки бўлади.

Президентимиз тумандаги “Меридиан Темпо” корхонасига қарашли интенсив боғда сархил мевалар ҳосилини ҳам кўздан кечирди. Франция ва Испаниядан келтирилган кўчатлар асосида замонавий агротехнологик тизимлар орқали боғда тўлиқ томчилатиб суғориш тизими жорий этилган ҳамда пишиб етган ҳосил экспортга йўналтирилмоқда. Энди бу усулни бошқа ҳудудларда ҳам оммалаштириш, меваларни парваришlash ва қадоқлаш бўйича чет эл тажрибасини жорий этиш керак.

Мева-сабзавотчиликда Паркентнинг имконияти кенг. Технология олиб келиб, жаҳон бозорига сархил ва қуритилган мева экспорт қилиш салоҳияти бошқа ҳудудларга кара-

ганда кўпроқ. Мамлакатимизда ушбу соҳада фаолият юритаётган тадбиркорлар давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида 7 турдаги молиявий ёрдам, 3 хил солиқ имтиёзи ҳамда преференция жорий этилган.

Давлатимиз раҳбари тумандаги 15 миллион долларлик инвестиция ҳисобидан ташкил этилган “Бату экспорт” корхонаси фаолияти билан танишиб, ходимлари билан суҳбатлашди. Корхонада йилига 5000 тонна мева-сабзавот қайта ишланади. Тошкент вилоятидан ташқари Самарқанд ва Фарғонадан ҳам маҳсулотлар келтирилади. Бу ерда тайёрланган товарлар Хитой, Жанубий Корея, Япония, Бирлашган Араб Амирликлари, Европа ва МДХ мамлакатларига экспорт қилинаётир.

## Миллий рух ва шарқона меҳмондўстлик устуворлиги

Туманнинг яна бир муҳим драйвери — туризм салоҳияти. Янги лойиҳалар асосида экотуризм, агротуризм, ҳашаматли дам олиш масканлари ва миллий маданиятни тарғиб этувчи ҳудудларни ривожлантириш бўйича аниқ режалар белгиланди.

Паркент — юртимизнинг гўзал ва такрорланмас табiiй ҳудудлардан бири. Унинг тоғли ва тоғ этакларидаги ландшафти, мусаффо ҳавоси, сойлари ва мевали боғлари табиат ихлосмандлари учун жуда сеvimли. Ҳудуднинг табiiй гўзалликлари баъзан Швейцария тоғ этакларини эслатади. Бир қарашда Швейцариядагидек манзара, фарқи — миллий рух ва шарқона меҳмондўстлик мужассам.

Ушбу ҳудудга нафақат маҳаллий, балки хорижлик сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш туман иқтисо-

диётига валюта кириб келиши ва янги иш ўринлари очишда муҳим аҳамият касб этади. Туризм билан боғлиқ хизматлар, хусусан, меҳмонхона, овқатланиш, транспорт ва экскурсия хизматларини ташкил этиш тадбиркорлар учун янги имкониятлар эшигини очади.

Давлатимиз раҳбари Қумушқонда бўлиб, маҳалланинг сайёҳлик имконияти, меҳмон уйлари кўздан кечирди. Бугун ушбу маҳалладаги 80 дан ортиқ хонадонда меҳмонхоналар ташкил этилган. Уларда йилига 172 мингдан ортиқ сайёҳга хизмат кўрсатилаётгани эътироф этилди.

Тадбиркорларга мазкур йўналишда зарур маблағлар ажратиб, кўшимча хизматлар ташкил этишга кўмаклашиш бўйича кўрсатмалар берилди. Бу маҳалларда ички имкониятни тўлақонли юзага чиқариш орқали аҳоли бандлигини таъминлашда катта манба экани қайд этилди.

Шунингдек, ташриф давомида “Олтин бел” чўққисидagi дам олиш маскани ва янги тоғ чанғи курорти лойиҳаси билан танишилди. Австрия компанияси томонидан Паркентнинг қорли тоғларида яна бир улкан лойиҳани амалга ошириш бўйича режалар тақдироти ўтказилди. Ушбу лойиҳанинг амалга ошиши Паркентни Бўстонликдаги “Амирсой” курорти каби Тошкент вилоятининг йирик туризм манзилларидан бирига айлантиради.

Сайёҳлик марказлари кўплиги яхши, лекин унга элтувчи йўллар ҳар бир саёҳатчини ўйлантириши табiiй. Энди Паркентга боровчи сайёҳлар бу ўйдан ҳам фориғ бўлади. Чунки туманни пойтахт билан боғловчи “Байтқўрғон — Паркент” электрлаштирилган темир йўли қурилмоқда. Қарийб 24 километрлик бу йўл фойдаланишга топширилгач, Паркентдан пойтахтимизга бориш учун катта қулайлик яратилади, туманнинг хушманзара гўшаларига саёҳатга бориш осонлашади. Натижада катнов ва тадбиркорлик фаол-

лашиб, Паркент иқтисодиётининг ривожланиш суръати жадал ошади.

Паркентсойни тартибга келтириш, қирғоқларини мустаҳкамлаш бўйича ҳам бунёдкорлик ишлари бажарилмоқда. Биринчи босқичда сойнинг 4 километри тўлиқ бетонлаштирилди. Бу янги мақсадларга йўл очди. Хусусан, сой бўйлаб қарийб беш километр янги йўл қурилди. У ҳозир туман марказидан ўтган асосий кўчага ёндош бўлиб, бир кеча-кундузда 10 минг автомобилни ўтказиш қувватига эга. Бу транспорт юкмасининг бир қисмини ўзига олиб, марказда тирбандликни камайтиради. Буларнинг барчаси Паркент туманининг тоғли сўлим гўшаларига борувчилар учун қулайлик яратади. Айниқса, сайёҳларнинг сезиларли даражада кўпайишига, одамларнинг оғири енгил бўлишига хизмат қилади.

Албатта, вилоятда туризм соҳасини ривожлантиришга бу даражада катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Чунки сайёҳлар оқимини янада ошириш, оҳанрабодек жалб қилиш учун, аввало, яхши шароит бўлиши керак. Сабаби, сайёҳлар кўпроқ чиройли табиатга, тоза ҳавога интилади. Бу, ўз навбатида, туманнинг туризм салоҳиятини янада оширишга ҳисса қўшади.

Паркент — табiiй бойлик, тарихий мерос ва иқтисодий салоҳият уйғунлашган бетакрор ҳудуд. Унинг тоғли манзаралари, мевали боғлари ва сайёҳбоп масканлари нафақат маҳаллий, балки халқаро туристлар учун ҳам жозибадор. Ташриф доирасида белгилаб берилган устувор йўналишлар — боғдорчилик, қайта ишлаш ва туризмни ривожлантириш орқали Паркент нафақат Тошкент вилояти, балки бутун мамлакат иқтисодиётининг драйвер ҳудудларидан бирига айланиши мумкин.

**Абдуманноп БЎРИЕВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты